

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

«FK BUNYODKOR» МЧЖ  
директори

У.А.Мирзаев

«08» декабрь 2022й.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги № 684-сонли “Давлат харидлари тўгрисида”ги қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 августдаги № 3237-сонли “Товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат ва корпоратив харидларини амалга оширишининг замонавий шакл ва услубларини янада жорий этиши чора-тадбирлари тўгрисида”ги қарорида белгиланган талабларни бажарилишини таъминлаш мақсадида, «FK BUNYODKOR» МЧЖ томонидан,хўжалик фаолиятини амалга ошириш мақсадида харид қилинадиган Товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат ва корпоратив харидларини амалга ошириш буйича

## ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ

### 1. Умумий қоидалар

1.1. Мазкур ҳужжат «FK BUNYODKOR» МЧЖ томонидан,хўжалик фаолиятини амалга ошириш мақсадида харид қилинадиган Товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат ва корпоратив харидларини амалга ошириш буйича **харид қилиш бўйича Энг яхши таклифларни танлашни ўтказиш** (кейинги ўринларда танлов деб юритилади), жумладан танлаш таклифларини бериш, уни расмийлаштириш, кўриб чиқиш ва баҳолаш, танлов натижалари бўйича шартнома тузиш тартибини белгилайди.

1.2. «FK BUNYODKOR» МЧЖ **харид қилиш бўйича Энг яхши таклифларни танлашни ўтказиш** Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўгрисида”ги Қонуни талаблари асосида ўтказилади.

### 2. Танлаш иштирокчиларининг таклифларини бериш тартиби

- 2.1. Танлов талабгори битта лотга фақат битта таклиф беришга ҳақли.
- 2.2. Танлов талабгори тақдим этилаётган маълумот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади.
- 2.3. Танлов талабгори тақдим этилган таклифларни бериш муддати тугагунига қадар берилган таклифни чакириб олишга ёки унга ўзгартиришлар киритишга ҳақли.
- 2.4. Танловга таклифларни қабул қилиш элонда кўрсатилган вақтда тутатилади.

### **3. Иштирокчиларга қўйиладиган талаблар**

- 3.1. Шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги.
- 3.2. Шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалик.
- 3.3. Солиқлар ва йифимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги.
- 3.4. Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги.
- 3.5. Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.
- 4.6. Танлаш иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этиши.

### **4. Харид қилиш хужжатлари ва харид қилиш тартиб-таомиллари юзасидан тушунтиришлар**

- 4.1. Иштирокчилар харид қилиш хужжатлари ва танлаш юзасидан тушунтиришлар олиш учун мурожаат қилиши ҳақли ва тушунтириш бериш тўғрисида сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида, лекин таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга сўров шакли билан бир хил шаклда жавоб тақдим этилади. Тушунтиришлар олиш учун мурожаат қилиш тугайдиган сана таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан икки кун олдинги кун ҳисобланади.

### **5. Иштирокчини танлашда иштирок этишдан четлатиш шартлари.**

- 5.1. Харид комиссияси ёки давлат харидлари электрон тизимининг оператори иштирокчини танлашда иштирок этишдан четлатади, агар:

У тўғрисида Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд мавжуд бўлса унда солиқлар ва йифимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлса;

ўзига нисбатан банкротлик тартиб-таомиллари жорий этилган бўлса; иштирокчи харид қилиш хужжатларининг малака, техник ва тижорат талабларига жавоб бермаса;

иштирокчи давлат харидлари жараёнида давлат буюртмачиси томонидан бирор-бир хатти-харакатнинг содир этилишига, қарор қабул қилинишига ёки бирор-бир харид қилиш тартиб-таомилининг қўлланилишига таъсир ўtkазиш мақсадида давлат буюртмачисининг ёки бошқа давлат органининг исталган ҳозирги ёки собиқ мансабдор шахсига ёки ходимига ҳар қандай шаклдаги ҳақни, ишга ёллаш тўғрисидаги таклифни ёхуд исталган бошқа қимматбаҳо ашёни ёки хизматни бевосита ёхуд билвосита таклиф қиласа, берса ёки беришга розилик билдиrsa;

иштирокчи рақобатга карши ҳаракатларни содир этса ёки қонунчиликни бузган ҳолда манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқарса, шунингдек аффилланганлик ҳоллари аниқланса.

## **6. Баҳолаш мезонларига ва тартиб-таомилларига тааллуқли қоидалар**

Иштирокчиларнинг товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича давлат харидларига тааллуқли бўлган таклифларини баҳолаш мезонларида:

нарх;

етказиб бериш базиси;

етказиб бериш муддатлари;

тавсифномалар ва сифат кўрсаткичлари;

эксплуатация қилиш (фойдаланиш) муддати;

тўлов ва кафолатлар шартлари;

муайян даврдаги эксплуатация килишга, шу жумладан фойдаланиш ва таъмиrlашга доир харажатлар;

## **7. Давлат харидлари қийматини баҳолашга тааллуқли қоидалар**

Давлат харидлари қийматининг бозор нархларига мувофиқлигини баҳолаш учун давлат буюртмачиси очик ахборот манбаларидаги ахборотлардан ёки бошқа ишончли манбалардан фойдаланади.

## **8. Танлашни ўтказиша харид комиссияси**

Давлат харидини танлаш орқали амалга ошириш учун давлат буюртмачисининг ходимлари орасидан камида беш нафар аъзодан иборат таркибда харид комиссияси тузилади.

Танлашни ўтказиша харид комиссияси аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлиши лозим, ҳар бир мажлис ва қабул қилинган қарор баённомалар билан расмийлаштирилиши керак.

## **9. Танлашни ўтказиши**

Агар танлашда иштирок этиш учун таклифларни тақдим этиш муддати тугаган пайтда факат битта таклиф тақдим этилган ёки бирорта ҳам таклиф тақдим этилмаган бўлса, танлаш ўтказилмаган деб ҳисобланади. Бунда давлат буюртмачиси ушбу Қонун талабларига мувофиқ янги танлаш ўтказиши ёхуд электрон дўкон ёки аукцион орқали харидни амалга ошириши мумкин.

## **12. Жамиятнинг тегишли бўлинмалари масъуллари.**

-Жамият эҳтиёжлари учун харид қилинадиган товар (ишлар ва хизматлар) учун буюртмалар, жамиятнинг бўлинмалари масъуллари томонидан танлов ўтказишдан 15 кун олдин (маҳсулот (ишлар хизматлар) номи, сони, тавсифномалар ва сифат кўрсаткичларини тўлиқ кўрсатган ҳолда жамият раҳбарияти ҳамда комиссияга киритиши.

- Танлов комиссиясининг баённомасига асосан, жамият раҳбари томонидан белгиланган масъуллар томонидан шартномалар тузиш, шартномаларда кўрсатилган товар (ишилар ва хизматларни) қабул қилиш. Бунда шартномалар жамиятнинг юридик хизмати томониданқонун талаблари асосида тузилганлигини тасдиқлаш.

- Жамиятнинг молия бўлими томонидан товар (ишилар ва хизматлар) етказиб бериш учун тузилган шартномаларни хисобини юритиш, шартномалар бўйича етказиб берувчига ишончномалар (масъуллар номига) бериш ҳамда етказиб берилгантовар (ишилар ва хизматларни) тўлиқ қабул қилингандан ва ҳужжатлар белгиланган тартибда расмийлаштирилгандан сўнг тўловларни амалга ошириш.